

4/2023,
iyul-
avgust
(№ 00066)



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ХУСУСИДАГИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР

Н.Н.Рўзиев

*Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки,
бўлим бошлиғи najmiddinaab@mail.ru*

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss4/a34

Аннотация

Мақолада банклар фаолиятини трансформация қилишда рақамлаштиришнинг методологик асослари, мазкур йўналишда тадқиқот ўтказган ва илмий янгилик қилган олимларнинг қарашлари, шунингдек, тижорат банкларида анъанавий хизмат кўрсатиш усулидан рақамли хизмат кўрсатишга ўтишнинг аҳамияти ва истиқболлари хорижий мамлакатларнинг тажрибаси асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: банк, рақамлаштириш, трансформация, экотизим, рақамли банк, “мижозга йўналтирилганлик” ёндашуви, IT, инновацион технологиялар.

SCIENTIFIC-THEORETICAL VIEWS ON THE INTRODUCTION OF DIGITAL TECHNOLOGIES IN COMMERCIAL BANKS

N.N. Roziev

National Bank of Foreign Economic Activity of the Republic of Uzbekistan, Head of Department

Abstract

The article analyzes the methodological foundations of digitization in the transformation of banking activities, the views of scientists who conducted research and made scientific innovations in this direction, as well as the importance and prospects for the transition from the traditional method of service in commercial banks to digital service based on the experience of foreign countries.

Key words: banking, digitization, transformation, ecosystem, digital bank, IT, innovational technologies, client-oriented.

НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ НА ВНЕДРЕНИЕ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ

Н. Н. Розиев

*Национальный банк внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан,
начальник управления*

Аннотация

В статье анализируются методологические основы цифровизации при трансформации банковской деятельности, взгляды ученых, которые проводили исследования и вносили научную новизну в этом направлении, а также важность и перспективы перехода от

традиционного метода обслуживания в коммерческих банках к цифровому сервису на основе опыта зарубежных стран.

Ключевые слова: банк, цифровизация, трансформация, экосистема, цифровой банк, IT, инновационные технологии, клиентоориентированность.

Кириш

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичи нафақат ички технологик модернизация, балки жаҳон иқтисодиётининг муҳим чақириқларига мослашиш зарурати билан ҳам тавсифланади. Шу билан бирга, банк секторини рақамлаштириш бўйича қўшимча стратегия ишлаб чиқиш миллий иқтисодиёт олдида турган асосий вазифадир.

Дунё иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида молиявий барқарорлик ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни кредит маблағлари билан бир маромда таъминлаб туриш келгуси йилларда банк тизимини ривожлантиришнинг асосий функционал мақсадларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда режалаштирилган барча ислохотлар ва миллий лойиҳаларнинг самарадорлиги эса маҳаллий банк фаолияти трансформацияга қанчалик тайёрлигига боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан келгуси йилларда банк тизимини трансформация қилиш, банклардаги давлат улушини босқичма-босқич қисқартириб бориш бўйича қатор ҳуқуқий ҳужжатлар имзоланди.

Аҳолининг барқарор ўсиши, умр кўриш давомийлиги, реал даромадлари, ижтимоий таъминот, камбағалликни қисқартириш, уй-жой шароитларини яхшилаш, ташкилотларнинг инновацион фаоллигини ошириш, рақамли технологияларни жадал жорий этиш, мамлакат миқёсида иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, иқтисодиётнинг юқори самарали экспортга йўналтирилган асосий тармоқларини яратиш - бугунги кунда давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Ҳозирги вақтда технологик ва ижтимоий соҳаларга йўналтирилган стратегик мақсадларни амалга ошириш кўп жиҳатдан банк тизимининг самарали ишлаши билан боғлиқ.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Рақамли индустрияни ривожлантириш, хусусан рақамли банк хизматларини кенгайтириш ва такомиллаштириш бўйича хорижий олимлардан A.Bastaria, A.Eliyanab, A.Syabarrudinc, Z.Ariefd, A.P.Emur, W.Wodo, P.Blaskiewicz, D.Stygar, N.Kuzmalар [1], маҳаллий олимлардан Н.Х.Жумаев [2], Н.Шарипова [3], Н.Р.Икрамова [4], А.Азларова [5], А.Қосимов [6], З.Мамадияровлар [7] илмий тадқиқот ишларини олиб борган.

Банк фаолиятини рақамлаштириш орқали унинг самарадорлигини ошириш ва рақамли инфратузилма ривожланишининг муҳим жиҳатлари М. Абрамова, О. Лаврушин, П. Роуз, А. Саркисянц, Ж. Синки, О. Семенюта ва В. Мазняк каби хорижий олимлар томонидан кенг ўрганилган. Банк бизнесида рақамли маҳсулот қаторини ривожлантиришнинг назарий ва амалий асослари А.Борисов, А.Гусев, Г.Господарчук, П.Друкер, Е.Жуков, С.Зубков, А.Иванова ва бошқаларнинг асарларида ёритилган. Улар банк маҳсулотлари сифатини доимий равишда яхшилаш ва ривожлантириб бориш зарурлигини таъкидлайдилар.

Узоқ вақт давомида иқтисодчилар тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш, банк маҳсулотлари яратиш стратегияси, мижозга йўналтирилган ёндашувни шакллантиришга алоҳида эътибор бериб келмоқдалар, жумладан, В.

Алехин, Д. Артеменко, А. Архипов, Б. Ананьич, Ю. Бабичева, И. Балабанов, Г. Белоглазова, М. Портер, Л. Кроливецка, В. Усоскин, Е. Ширинская., Ю. Коробов, Г. Панова, Ю. Рубин, О. Свиридов, М. Сигова, Дж. Сорос, Р. Шамгунов ва бошқа олимларнинг илмий ишларида ушбу масалалар ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, банк соҳасида рақамлаштириш ва мижозларга хизмат кўрсатишнинг инновацион технологияларидан фойдаланиш масалалари Авдеева, С. Зинченко, Б. Николетти, Ф. Паеч, Н. Радковская, О. Фомичева ва бошқа хорижий олимлар шуғулланган.

Тадқиқот методологияси: Дунёнинг етакчи мамлакатларида рақамли технологиялардан фойдаланиш назарияси ва амалиёти замонавий банк тизимининг ишлашига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Бу бизнес моделни ўзгартириш, даромад олиш ва қиймат яратиш мақсадида рақамли технологиялардан фойдаланишни ўз ичига олади [8]. Бу феномен дунёнинг иқтисодиёти энг ривожланган биринчи беш мамлакати ва ривожланаётган мамлакатларга хос эканлигини турли олимларнинг кўплаб таҳлилий шарҳлари ва фундаментал тадқиқотлари тасдиқлайди. Хусусан, С. Карбо-Вальверде ва К. Кан Америка ва Европа тўлов тизимларининг самарадорлигини таҳлил қилиб, онлайн банк маҳсулотларининг ролини юқори баҳолайди ва уларга криптовалюта томонидан ҳеч қандай таҳдид мавжуд эмаслигини таъкидлайди [9].

А. Омарини, банк хизматларининг рақамли трансформациясини ҳисобга олган ҳолда, Ўрта ер денгизи мамлакатларида янги технологик платформаларнинг ўзига хос ўрни борлигини эътироф этади [10]. Т. Ахисар ва К. Тунай электрон банк хизматларининг ўсиб бораётган самарадорлигини таъкидласа [11], Ф. Либана-Кабанильяс томонидан Испания ўтказилган тадқиқот мазкур сегментга бизнес ва одамлар томонидан қизиқиш тобора ортиб бораётган кўрсатади [12]. Бундан ташқари, электрон банкинг Осиё [13], Африка ва яқин Шарқда [14] шиддат билан ривожланиб бормоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда ҳам банк тизимини трансформация қилиш, хусусан, улар фаолиятини рақамлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.05.2020 йилдаги ПФ-5992-сонли "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги Фармони яққол мисол бўла олади [15].

Н.П.Савина ижтимоий-иқтисодий муносабатлар кундан-кунга тармоқли платформага ўтиб бораётганини таъкидлайди. Концептуал қарорларни рақамли форматда банк секторига жорий этиш - юқори самарадорликка эга сунъий ақл технологиялари ва кибер хатарларни олдини олувчи технологияларга сармоя киритиш, рақамли банк маҳсулотларини жорий этиш бўйича рақобат, шунингдек, маълумотлар базаси, молиявий инструментлар, бошқарув механизмларини ўз ичига олган мослашувчан ахборот-коммуникация тизимларидан фойдаланиш каби муҳим омилларга эга янги бизнес моделидир [16].

Ҳозирда "рақамлаштириш" атамасининг бир нечта қўшимча таърифлари қабул қилинган. Жумладан, Gartner консалтинг компанияси рақамлаштириш бу - мавжуд бизнес моделларини такомиллаштириш эканлигини, рақамли технологиялар орқали қўшимча қиймат яратиш учун янги имкониятларнинг пайдо бўлишини таъкидлайди. У бир нечта соҳаларни қамраб олади, жумладан: фикрлашдаги ўзгаришлар, бошқарувдаги ўзгаришлар, технологияларни қабул қилиш, ресурсларни рақамлаштириш ва инновацияларни ўзлаштириш [17].

К. Меттнинг сўзларига кўра, рақамли трансформация мураккаб жараён бўлиб, унга қиймат яратишдаги ўзгаришлар, таркибий ўзгаришлар, технологик ва молиявий имкониятлардан фойдаланиш киради ва у ҳозирда банклар дуч келаётган муаммоларни ҳал қилиш учун қўл келади [18].

Т.А. Васильева ўзининг илмий ишларида ортиқ банклар ноёб (уникал) маълумотларнинг ягона эгаси эмаслиги, молиявий инжиниринг ва молиявий инструментлар ривожланганлиги туфайли эндиликда битимлар банкларнинг иштирокида тузилаётганлигини исботлаб, бунга нобанк молия ташкилотлари иштирокида тузилаётган битимларни мисол тариқасида келтириб ўтади [19]. М. Ковалев ва Г. Головенчикнинг фикрича, рақамли банк бу – мобил ва онлайн платформадан фойдаланган ҳолда молиявий хизматларни амалга оширадиган молия ташкилоти бўлиб, шахсий маълумотларнинг хавфсизлиги ҳамда хизматлар сифати ва тезлигини оширади [20].

Тадқиқот методикаси. Мазкур тадқиқотда аналитик таққослаш, мантиқий ва таққослама таҳлил, гурӯҳлаш ва эксперт баҳолаш усуллари билан фойдаланилган. Шунингдек, мавзуга оид хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқот ишлари кенг ўрганилган ва таҳлилий хулосалар баён этилган. Рақамли банк хизматларини ривожлантириш бўйича хорижий банкларнинг тажрибалари ўрганилиб, улардан мамлакатимизда самарали фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилган.

Таҳлил ва натижалар. Илмий ҳамжамиятда "рақамли инқилоб" атамаси билан тез-тез тилга олинадиган рақамли технологияларнинг тезлик билан тарқалиши иқтисодий тузилмани тубдан ўзгартириб, молия бозорининг ишлаши учун янги шарт-шароитлар яратади ва анъанавий бизнес ландшафтнинг ўзгаришига таъсир қилади.

Экспертлик сўровларига кўра, 64 мамлакат раҳбарларининг 85 фоизи янги технологиялар келгуси 5 йил ичида бизнесни тубдан ўзгартиришига ишонишади.

Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, ахборот технологияларидан фойдаланиш иқтисодиётнинг банк секторида рақобатнинг кучайишига олиб келади, шунинг учун банклар рақамли асрда бизнесни ташкил этишнинг янги қонунлари ва тамойилларига кўпроқ риоя қилишга мажбур.

Иқтисодиётдаги янги ҳодисалар, унинг ахборот билан таъминланганлик даражаси ва рақамли технологиялардан фойдаланиш банк хизматлари соҳасига катта таъсир кўрсатмоқда. Рақамлаштириш шароитида банк бизнесини ривожлантиришнинг мақсадли стратегиясини танлаш ва янги устувор моделларни жорий қилишга талаб ортиб бормоқда. Илғор технологияларни кенг жорий қилиш банк харажатларни қисқартириш ва даромадларни оширишга олиб келибгина қолмай, мижозларга банк хизматларидан аввалгидан кўра қулайроқ шароитларда фойдаланиш имкониятини яратади.

Шу билан бирга, масофавий банк хизматларига талаб кундан-кунга ошиб бормоқда. Ўзбекистон аҳолисининг аксарияти мобил банкинг хизматидан фойдаланади, улар смартфонларни банк хизматларини фойдаланиш ва банк операциялари амалга оширишнинг энг афзал воситаси деб ҳисоблайди.

Рақамли технологияларни ривожлантириш шароитида банк муассасалари дуч келаётган хавфларнинг табиати ва кўлами сезиларли даражада ўзгариб бормоқда. Буларнинг барчаси нафақат банк бизнес моделларига ўзгартириш киритиш заруратини, балки тартибга солувчилар учун янги муаммоларнинг пайдо бўлишини

хам англатади. Рақамлаштириш суръатининг тезлашиши регулятор томонидан тегишли зарурий чоралар кўрилиши кечикишига ва рақамлаштириш билан боғлиқ шароитларнинг тўлиқ ҳисобга олинмаслигига олиб келиши мумкин.

Шу муносабат билан, рақамлаштириш шароитида банкларни тартибга солишнинг янги усуллари ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишнинг самарали механизмларини яратиш каби масалалар жуда долзарб ҳисобланади.

Банк фаолияти трансформациясига технологик, ташкилий, бозор, ижтимоий, сиёсий омиллар таъсир кўрсатиб, буларнинг аҳамияти ривожланишнинг турли тарихий босқичларида ўзгариб туради. Замонавий шароитда янги технологияларнинг пайдо бўлиши ва такомиллашуви, айниқса, улар ижтимоий-иқтисодий ҳамкорликнинг янги шакллари билан бирга бўлса, банк трансформациясига кучли таъсир кўрсатади.

Кондратьевнинг олтинчи цикли жаҳон иқтисодиётининг даврий ўзгаришларини кўрсатиб бериши билан аҳамиятли бўлиб, унинг даври 2018-2050 йилларга тўғри келади. Унга кўра, NBIC технологиялари сифатида маълум бўлган нано-, био-, инфо- ва когнитив технологиялар иқтисодий ва хизмат кўрсатиш жараёнларининг асоси сифатида қайд этилади. АҚШ, Европа иттифоқи ва Японияда жойлашган тадқиқот марказлари ушбу технологияларни яратишда етакчилик қилиши башорат қилинади.

Шунингдек, ушбу марказларнинг ҳозирги етакчилигига қарамай, NBIC технологиялар турли давлатлар ва уларнинг миллий иқтисодий тизимлари учун бошланғич шароитларни тенглаштиради.

Бироқ, айнан шу имконият кўп жиҳатдан банк фаолияти самарадорлиги ва миллий иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш фаолиятига боғлиқ. Банк фаолияти ва технологик тараққиётнинг ўзаро боғлиқлиги Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун банк фаолиятини трансформация қилиш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан долзарбдир.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги рақамли технологиялар ёрдамида мижозларга замонавий банк маҳсулотлар ва хизматларини тақдим этиш бўйича назарий асослар ва амалий тавсиялар, тақдим этилаётган хизматлар доирасини кенгайтириш, маҳаллий молия бозори рақобатбардошлигини ошириш ва банклар трансформациясини жадаллаштиришга қаратилган турли хил рақамли хизматлар, воситалар ва технологиялардан фойдаланишга асосланган банк экотизимлари орқали уларни тарғиб қилиш воситаларидан иборат.

Маҳаллий ва хорижий олимларнинг рақамли технологияларни банкларда кенг жорий қилиш бўйича олиб борган тадқиқотлари молиявий инновациялар ва ахборот-телекоммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда рақамли банк маҳсулотларни ва хизматлари кўламини кенгайтириш, шунингдек, мижозларнинг банк маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш орқали рақобатбардошликни мустаҳкамлашини ўрганиш имконини берди.

Ўз навбатида, рақамли банк маҳсулоти замонавий ахборот технологиялари муҳити талабларига тўлиқ жавоб берадиган молиявий ИТ технологиялари ва хизматларидан фойдаланган ҳолда мижозларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ягона, тартибга солинадиган ва стандартлаштирилган банк таклифлари тўпламидир, уларнинг асосийлари: а) қулайлик ва соддалик; б) мижознинг технологик

талабларига мувофиқлиги; в) ижтимоий тармоқлар билан билан бирлаштирилганлик (интеграция).

Шундай қилиб, рақамлаштириш деганда бу анъанавий бизнес жараёнлар моделини ахборот технологияларни қўллаган ҳолда ўзгартириш (классик шартномалардан тортиб мижозларга хизмат кўрсатиш жараёнларига қадар), яъни технологик жиҳатдан янгилаш тушунилади. Шуни таъкидлаш лозимки, эндиликда замонавий истеъмолчи анъанавий банк маҳсулотларини қабул қилолмайди, аммо унга рақамли маҳсулот - 24/7 тартибда масофадан кириш ва банк хизмати ва маҳсулотларидан, шунингдек, банкнинг қўллаб-қувватлаш хизматидан фойдалана олиш имконияти керак.

Банк маҳсулотларини рақамли тарзда тақдим қилишда қуйидаги мақсадларни аниқлаш тавсия этилади:

- мижознинг эҳтиёжлари (истаклари); маҳсулот ва хизматдан мунтазам фойдаланиш имконияти ва тезлиги ("шу ерда ва ҳозир" тамойили асосида, ҳар қандай қурилма ёки алоқа каналидан кириш имконияти);

- йирик ҳажмдаги маълумотларни бир пасда таҳлил қилиш қобилияти. Рақамли технологиялар ва молиявий инновациялардан фойдаланган ҳолда банк маҳсулотлари/хизматлари таклифини шакллантиришнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- янги платформаларни яратиш; инсон омилини четлаштириш;
- "банк ва мижоз" интерфейсларини ривожлантириш;
- рақамли тизимни кенг жорий этиш бўйича мутахассисларнинг биргаликдаги ҳарақати;
- муқобил савдо платформа (канал)ларини яратиш.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида XXI асрда молия бозори иштирокчилари фаолиятидаги етакчи тенденция бу - "мижозга йўналтирилган" ёндашув деган хулосага келинди. Мазкур ёндашув банклардан мижозларнинг эҳтиёжларини чуқур таҳлил қилиш, талаб юқори бўлган маҳсулотларни аниқлаш ва уларни такомиллаштириш мақсадида банкка энг қисқа вақт ичида даромадни максимал даражада ошириш имкониятини берадиган рақамли бизнес-моделни жорий қилиш имконини берди.

Шу билан бирга, "мижозга йўналтирилганлик" ёндашувини ички ва ташқи ёндашувларга бўлиш мумкин. Ички ёндашув мижоз ва банк ўртасида ҳамкорлик муносабатларини шакллантиришда мижозларнинг потенциал эҳтиёжларини ўрганиш асосида уларни қондиришнинг энг қулай ва фойдали усуллари ўзида мужассамлаштирган банк сиёсати яратишни англатади. Ташқи ёндашув эса янги мижозларни жалб қилиш орқали банк даромадини оширишга хизмат қиладиган янги хизматлар турлари ва замонавий технологияларни шакллантиришга замин яратадиган ходимлар ва мижозлар ўртасидаги корпоратив алоқа сифатини англатади.

"Мижозга йўналтирилган" банк маҳсулотига таклифини шакллантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- истеъмолчига банк хизматларини тўғри ва қулай шартларда тақдим этиш;
- кўрсатилган хизматларни тўлиқ қайд этиб бориш (фиксация);
- мижозларнинг эҳтиёжлари тўғрисида тўлиқ маълумотнинг мавжудлиги, истеъмолчиларнинг максимал қамрови ва уни тўлиқ қайд этиб бориш (фиксация);
- мижозлар маълумотларининг тўлиқ хавфсизлиги;

- мижозларга тўғри ва ҳар томонлама мукамал хизмат кўрсатиш, мижоз билан ишлашда самарадорликни доимий равишда ошириб бориш;
- савдо жараёнини бошқаришни оптималлаштириш;
- сегментлаш ишларни оптималлаштириш;
- мослашувчан маркетинг технологиялари;
- савдо тарихини шакллантириб бориш;
- банк билан боғланган ҳар бир мижоз ҳақидаги маълумотларни максимал даражада йиғиш.

Яна шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, рақамли банкларнинг ўртасида ўзаро рақобат кучаймоқда. Банклар мижозларга тақдим этиладиган рақамли хизматлар рўйхати мижозларга яқка тартибда ёндашиб, уларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирмоқдалар. Барча банкларда мижозга жорий ҳисоб ҳолатини текшириш, пул ўтказмаларини амалга ошириш, тўлов учун электрон ҳисоб-фактураларни олиш (бўртма қилиш), бундан ташқари, мураккаб тизимлар мижозларга кредит олиш учун ариза бериш, ўз ҳисоблари ҳақидаги маълумотларни ўз компьютерларига юклаш, компаниялар ёки мақсадли фондларнинг қимматли қоғозлари, чек дафтарчалари ва депозит китобларини кўриш имконини беради [21].

Шунингдек, молиявий хизматлар бозорида Microsoft, Sony, IBM, Yahoo ва бошқалар каби йирик компаниялар фаолият юритаётганини, улар ҳам банк соҳасининг ривожланишига хизмат қилувчи рақамли технологиялардан фаол фойдаланаётганини ҳисобга олиш керак.

Аксарият анъанавий банклар ўз маълумотларидан тўлиқ фойдаланмайдилар, чунки уларнинг IT тизимлари рақамли технологиялардан фаол фойдаланишга тайёр эмас, фақат рақамли банклар уларни ўз фаолиятида амалга оширишга қодир. Банкларнинг асосий эътибори замонавий технологиялардан унумли фойдаланиш ёрдамида бизнес самарадорлигини оптималлаштириш ва такомиллаштиришга қаратилган.

Ҳозирги вақтда рақамли технологиялардан фойдаланадиган, ўз мижозларига турли хил хизматларни тақдим этадиган банклар муайян муаммоларга дуч келмоқдалар, масалан:

- маълумотлар базасининг етишмаслиги (мижозларнинг маълумотларини яратиш, сақлаш ва ҳимоя қилиш муаммоси);
- мижозлар ҳақида шахсий маълумотларнинг етишмаслиги (мижознинг ҳатти-ҳаракати, эҳтиёжлари ва афзалликларини тушунмаслик);
- банк хизматларининг чекланган доираси (банк мижозлари учун молиявий консалтинг хизматларини ишга тушириш имконияти) [22]. Мутахассислар банк сектори рақамли трансформация жараёнини учта асосий ёндашувга бўладилар:

Биринчи ёндашув технологияларни алоҳида лойиҳа сифатида жорий этишга асосланган бўлиб, бу тўлиқ миқёсли рақамли трансформацияни англатмайди, бундан дунё банкларининг 26 фоизи ушбу ёндашувдан фойдаланадилар. Шу билан бирга, рақамли трансформация узоқ муддатли режалаштириш ва синов лойиҳаларни амалга ошириш асосида босқичма-босқич амалга оширилади.

Иккинчи ёндашув дастлаб рақамли иқтисодиёт эҳтиёжларини қондириш мақсадида шўба компания ташкил қилиш орқали амалга оширилади. Бу рақамли трансформациянинг энг машҳур усули бўлиб, ундан 42 фоизи банклар фойдаланади.

Ушбу ёндашувнинг асосий афзалликлари қуйидагилар: эътиборни мижозларнинг узоқ муддатли эҳтиёжларига йўналтириш; турли соҳа мутахассислари (ахборот технологиялари, дастурий таъминот мутахассислари, аналитик ва маркетинглар)ни ўз ичига олган жамоаларни ташкилот ичида тузиш, ушбу жамоа ёрдамида юқори мослашувчанлик даражасига эриш, шунингдек, мавжудларига зарар етказмасдан фаолиятнинг янги йўналишларини синовдан ўтказиш.

Банкларнинг рақамли трансформацияга учинчи ёндашув усули рақамли технологияларни ташкилот фаолиятининг асоси сифатида белгилаб олишга асосланган. Ушбу усул бошқа ёндашувлар билан бирлаштирилиши мумкин, аммо бу ёндашув банкнинг барча ички ва ташқи жараёнларини трансформация қилиш орқали рақамли стратегияни янада тўлиқ форматда амалга оширишни ўз ичига олиши билан ажралиб туради. Банкларнинг 32 фоизи ушбу ёндашув ёрдамида рақамли трансформацияни амалга оширишмоқдалар.

Бошқа мамлакатларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам банк секторини, айниқса, давлат банкларини трансформация қилиш жараёни давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.05.2020 йилдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” Фармонида асосан банк-молия тизимини ривожлантиришнинг тўртта устувор йўналишлари белгилаб берилди:

Бошқа мамлакатларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам банк секторини, айниқса, давлат банкларини трансформация қилиш жараёни давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.05.2020 йилдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” Фармонида асосан банк-молия тизимини ривожлантиришнинг тўртта устувор йўналишлари белгилаб берилди:

- ✓ секторни қайта қуриш – банкларни ўзгартириш ва хусусийлаштириш;
- ✓ банк назорати бўйича Базель қўмитаси стандартларини, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини ва бошқаларни жорий этган ҳолда қонунчилик базасини такомиллаштириш;
- ✓ мижозларга йўналтирилган хизматлар, кредитлаш механизмлари ва бизнес жараёнларини автоматлаштириш орқали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва кенгайтириш;
- ✓ кадрлар малакасини ошириш.

Бундан ташқари, стратегияда 2025 йилга бориб қуйидаги мақсадларга эришиш кўзда тутилган:

- ✓ банк тизими активларининг жами ҳажмида давлат улуши бўлмаган банклар активлари ҳиссасини жорий 15 фоиздан 2025 йилга келиб 60 фоизгача ошириш;
- ✓ банклар мажбуриятларининг умумий ҳажмида хусусий сектор олдидаги мажбуриятлар ҳиссасини жорий 28 фоиздан 2025 йил якунига 70 фоизгача ошириш;
- ✓ 2025 йилга келиб давлат улуши мавжуд камида учта банк капиталига зарур тажриба, билим ва нуфузга эга камида учта стратегик хорижий инвесторларни жалб қилиш;
- ✓ умумий кредитлаш ҳажмида нобанк кредит ташкилотлари улушини жорий 0,35 фоиздан 2025 йилга келиб 4 фоизгача ошириш.

Стратегия Жаҳон банки экспертлари ёрдамида Молия вазирлиги ва Марказий банк мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган. Бунда халқаро амалиёт ва ёндашувлар, жумладан, МДХ ва Шарқий Европа тажрибаси ҳисобга олинган.


Хулоса ва таклифлар: Банк фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг уч босқичдан иборат тузилиши ишлаб чиқилди:

Банк фаолиятини рақамлаштириш ўз ичига олади (1-расм):

- биринчи босқич давомида ўзаро мижозлар ва ҳамкорлар билан ўзаро алоқа каналлари, рақамли маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқилади;

- технологик инфратузилмани мослаштириш амалга ошириладиган иккинчи босқич;

- учинчи босқич банкдаги узоқ муддатли ўзгаришларни назарда тутиб, бу рақамли муҳитда стратегик жойлашувга эришиш имконини беради.



1-расм: Банкни рақамлаштириш жараёни:

Биринчи босқичда молиявий хизматларга бўлган талаб ва таклифнинг ўзгаришига қараб, мижозлар билан ўзаро алоқаларнинг рақамли каналларини жорий қилиш, шунингдек, банкни янги рақобат муҳитида самарали фаолият юритишига имкон берадиган молиявий маҳсулотларни яратишдан иборат. Сўнги йилларда онлайн банк платформаларини модернизация қилиш билан бир қаторда банкларнинг саъй-ҳаракатлари мобил қурилмалар орқали мижозлар билан ўзаро алоқаларнинг янги каналларини ривожлантиришга қаратилди.

Ушбу босқичда янги маҳсулотлар ва ўзаро алоқанинг рақамли каналларини ишлаб чиқиш мавжуд технологик инфратузилмани илгариги ишланмалар билан бирлаштиришни тақозо қилади.

Банкларни рақамлаштириш жараёнининг иккинчи босқичи технологик платформани ўзгартириш, яъни уни илғор технологияларни қўллаш имконини берадиган модулли ва мослашувчан инфратузилмага айлантиришни, шунингдек, янги маҳсулотлар яратиш жараёнини жадаллаштиришни ўз ичига олади.

Биометрик идентификацияни жорий этиш, электрон ҳужжат айланишига ўтиш, транзакциялар хавфсизлиги даражасини ошириш, банкларнинг масофавий маҳсулотлари ва хизматларидан фойдаланишни соддалаштириш ва кенгайтириш каби технологик жараёнлар фаол фойдаланилмоқда.

Рақамлаштиришнинг иккинчи босқичдаги яна бир ўзига хос хусусияти банкларнинг бизнес жараёнларни автоматлаштиришга бўлган истаги ҳисобланади, бунда асосий эътибор нафақат бэк офисда ишлашга, балки автоматлаштирилган бизнес жараёнларни фронт-офисда жорий қилишга ҳам қаратилган. Масалан, банклар мижознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш ва мижоз йўналтирилган, индивидуал банк маҳсулотлари ва консалтинг хизматларини кўрсатиш учун сунъий интеллектга асосланган мураккаб аналитик алгоритмлардан фойдаланадилар.

Рақамли трансформациянинг учинчи босқичида банклар ўзларининг таркибий ва операцион моделларини соддалаштиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий ўзгаришларни амалга оширадilar ва мижозга йўналтирилган стратегия ишлаб чиқадilar. Тегишли ўзгаришлар бутун ташкилотга, яъни филиал тармоғидан тортиб бэк офисгача ўз таъсирини кўрсатади, кўп ҳолларда ички қаршилик объектига ҳам айланади, чунки бундай янгиликларни жорий этиш кредит ташкилотининг ташкилий маданиятида туб ўзгаришларга олиб келади.

Тадқиқот давомида рақамли трансформация шароитида банк секторининг ривожланиш тенденцияларини таснифланди (1-жадвал).

1-жадвал

Тенденция	Тавсифи
1. Интеграцион тенденциялар	
Молиявий бозорда йирик технология компанияларининг пайдо бўлиши (Big tech)	Йирик технология (АҚШнинг Google, Apple, Facebook, Amazon ва Microsoft, Хитойнинг Alibaba, Tencent, Baidu, JD, и Xiaomi) компаниялари молиявий хизматларни тақдим этади, шунингдек, капиталнинг юқори жамланиш кўрсаткичи ва рақамли технологиялар соҳасидаги етакчилик борасида анъанавий банклар билан рақобатлаша олади.
Стартаплар интеграцияси	Стартаплар билан корпоратив тезлатгич (акселератор)лар ёки кичик инновацион компанияларни сотиб олиш орқали ўзаро алоқа қилиш
Тизимда йирик банкларнинг етакчилиги (Ўзбекистонда), банкларни бирлаштириш (дунёда)	Сўнгги йилларда Ўзбекистон банклар сонининг ўсиши ва йирик тизимли аҳамиятга эга банклар бозор улушининг ўсиши кузатилмоқда. Банклар сонининг камайиши ва йирик банклар назорати остида капиталнинг жамланиши тенденцияси АҚШ ва Европа учун ҳам хосдир.
2. Мобил-банк ва интернет-банк	
Тегишли хизматларни банкнинг мобил иловасига интеграция қилиш (экотизимни ривожлантириш)	Смартфонларнинг ҳисоблаш қувватининг ўсиши ва рақамли хизматларнинг ривожланиши натижасида қўшимча банк маҳсулотлари ва бошқа хизматларни, шу жумладан, шериклик хизматларини сотиб олиш билан боғлиқ турли функциялар банкларнинг мобил иловаларига қўшила бошланди. Масалан, суғурта, авиачипталар, театр ёки кино чипталари, электрон китоблар ва бошқаларни сотиб олиш.
Брокерлик хизматлари	Коронавирус оқибатида молиявий бозорларда вужудга келган инқироздан кейин аҳолининг акция ва облигацияга киритган инвестициялари салмоғи кескин ўсди. Кўпгина банклар брокерлик хизматлари кўрсатишга мослашган мобил иловаларини яратдилар ёки такомиллаштирдилар. Шу билан бирга, инвестициялар учун аҳолининг саводхонлик даражаси пастлиги сабабли бир қатор банклар ўз иловаларида молиявий саводхонлик бўйича тренинглар ташкил қилдилар.
	Мобил иловалар ва интернет-банкнинг хизмати функционал имкониятларининг ошиши билан банклар бир қатор хизматларни онлайн тарзда таклиф қилмоқдалар. Улар орасида киберхавфсизлик таҳдидлари туфайли илгари онлайн тарзда тақдим этилмаган хизматлар мавжуд. Масалан, карталарнинг

Банк хизматларидан фойдаланишни соддалаштириш	ПИН-коддини ўзгартириш, карта лимитларини ўзгартириш, иловага киришни тиклаш ва онлайн кредит олиш.
3. Ходимлар билан ишлаш	
Ходимларни ўқитиш	Рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши натижасида, уларни жорий қилиш ва улардан фойдаланишга тайёр бўлган ходимларга эҳтиёж пайдо бўлади. Шу билан бирга, функциялари автоматлаштирилиши ёки бутунлай сунъий интеллект билан алмаштирилиши мумкин бўлган иш ўринларини қисқартириш тенденцияси мавжуд. Банклар, имконияти мавжуд вазиятларда, ўз ходимларини қайта тайёрлаш билан шуғулланадилар.
Юқори малакали кадрлар тақчиллиги	Янги рақамли технологияларни жорий этиш учун машина орқали ўрганиш, маълумотларни қайта ишлаш ва бошқа рақамли технологиялар соҳасида юқори малакали ходимларга талаб ошади. Шу билан бирга, IT-мутахассислар тақчиллиги нафақат банк сектори учун, балки рақамли трансформация ташкилот самарадорлигини сезиларли даражада ошириши мумкин бўлган ҳамма соҳаларга ҳам хосдир.
Аутстаффинг	IT-мутахассисларининг тақчиллиги энг йирик банкларнинг аутстаффинг хизматлардан фойдаланишга олиб келади (ташқаридан қўшимча ходимларни жалб қилиш). Ўзбекистон молия бозорида банклар пудратчилар занжири орқали ташқи хизматларни буюртма қилишади, бу муқаррар равишда бундай IT-мутахассиси бир соатлик иш ҳақининг ошишига олиб келади.
4. Таклиф этилаётган банк маҳсулотларини такомиллаштириш	
Мижозларнинг эҳтиёжларига мослашиш	Бу мобил иловалар ва сунъий интеллект технологиялари ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. Бу транзакция харажатларни қисқартириш ва мижозлар эҳтиёжини қондириш даражасини ошириш имконини беради.
Мижозлар томонидан сунъий интеллект ёрдамида қарорлар қабул қилинишини қўллаб-қувватлаш	Мижоз учун инвестиция портфелини танлаш ёки келгуси даврлар учун харажатларни башорат қилиш учун сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш
Янги онлайн аутентификация технологиялари	Хавфсизликни ошириш учун биометрик аутентификация технологияларидан фойдаланиш, шунингдек бошқа сайтларга кириш учун банкнинг иловаси орқали аутентификация қилиш
Виртуал ва қўшимча реалликдан фойдаланиш (VR и AR)	Иқтисодий ҳаракатларга тақлид қиладиган ўйин ва кўнгилочар дастурлар, келажакдаги квартирани, кўришга имкон берадиган VR-ипотека хизмати, шунингдек, маркетинг акциялари
Чатботлар ва овозли ёрдамчилар	Операторни кутиш вақтининг қисқариши ёки спам қўнғироқларига қарши курашиш учун овозли ёрдамчи
5. Бизнес жараёнларини оптималлаштириш	
Хатарларни баҳолаш учун сунъий интеллектдан фойдаланиш	Кредит ёки банк кафолати беришда хавфларни аниқроқ баҳолаш учун сунъий интеллектдан фойдаланиш, шунингдек, мижоз ҳужжатларидаги камчиликларни аниқлаш

Ходимларни масофадан туриб ишлашга ўтказиш	Масофадан туриб ишлаш натижасида офис майдони харажатларини қисқартириш ва ҳаракатчанликни ошириш
Банк биноларидан узоқлашиш	Хизматларни онлайн тарзига ўтказиш ҳисобига банк филиаллари бинolari ва ходимлари учун харажатларни қисқартириш
Киберхавфсизлик	Мобил илова ёки интернет-банкнинг орқали фойдаланувчини идентификациялаш натижасида юзага келадиган қўшимча хатарларга жавоб сифатида кибер таҳдидлардан ҳимоя қилиш харажатларининг ошиши
Рўйхатга олиш технологиялари	Маълумотлар базаларининг барқарорлигини ошириш ва кибер таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун блокчейн технологияларини жорий этиш
Йирик маълумотлар технологиялари	Маълумотларни таҳлил қилиш ва моделларни яратишнинг илғор усулларида фойдаланиш, шунингдек ҳисоблаш қувватининг ўсиши бизнес жараёнларининг самарадорлигини оширади.
Регулятор томонидан ўрнатилган талабларнинг ўзгаришини кузатиш технологиялари	Бир қатор банклар жарималар ва регуляторнинг бошқа санкциялари хавфини камайтириш учун ходимларни регулятор талабларининг ўзгариши тўғрисида хабардор қилишга имкон берадиган тизимларни жорий қилмоқдалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Wodo W., Blaskiewicz P., Stygar D., Kuzma N. (2021). Evaluating the security of electronic and mobile banking // Computer Fraud & Security. Volume 2021, Issue 10, Pages 8-14. [https://doi.org/10.1016/S1361-3723\(21\)00107-X](https://doi.org/10.1016/S1361-3723(21)00107-X);

2. Jumayev N.X. (2020). Рақамли иқтисодиёт ва moliyaviy texnologiyalar: tijorat banklari uchun imkoniyat va tahdidlar // Moliya va bank ishi elektron ilmiy jurnali. VI son. noyabr – dekabr;

3. Sharipova N. (2020). Tijorat banklari faoliyatining raqamli transformatsiya jarayoni va uning O'zbekistonda qo'llanilish istiqbollari // "Xalqaro moliya va hisob" ilmiy elektron jurnali. № 3, iyun;

4. Ikramova N.R. (2014). O'zbekistonda chakana bank xizmatlari: xorij tajribasi va rivojlanish istiqbollari // "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 1, yanvar-fevral;

5. Azlarova A. (2021). O'zbekistonda raqamli iqtisodiyot rivojlanishining bank moliya xizmatlari bozoriga ta'siri // "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 2, mart-aprel;

6. Qosimov, A. (2021). Raqamli iqtisodiyotning rivojlaniishi – tўrtinchi sanoat inqilobining asosi. Arxiv nauchnykh issledovaniy, 37(1);

7. Mamadiyarov Z. (2020). Raqamli iqtisodiyotda masofaviy bank xizmatlarining evolyutsion rivojlanishi: mulohazalar va tahlillar // "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun;

8. Development of banking technologies: opportunities and challenges 2017 (Moscow: Bank of Russia) 40–42;

9. Carbo-Valverde S., Kahn C. M. Payment Systems in the US and Europe: Efficiency, Soundness and Challenges // Financial Stability Journal (Bank of Spain), 2016. Vol. 30. P. 11–33;
10. Omarini A. International Journal of Finance, Economics and Trade 1–6;
11. Akhisar İ., Tunay K. B. and Tunay N. Interaction Between Internet Banking and Bank Performance: The Case of Europe // Procedia-Social and Behavioral Sciences. Vol. 195. P. 369–375;
12. Liebana-Cabanillas F. Information Systems and e-Business Management 14 (1) 141–165;
13. Hossain M. Asian Business Review 3 (3) 53–61;
14. Al-Hawary S. I. S., Hussien A. J. A. The Impact of Electronic Banking Services on the Customers Loyalty of Commercial Banks in Jordan // International Journal of Academic Research in Accounting, Finance and Management Sciences. Vol. 7 (1). P. 50–63;
15. <https://lex.uz/docs/4811025>;
16. Development of banking technologies: opportunities and challenges 2017 (Moscow: Bank of Russia) 40–42. The Main Directions of development of Financial Technologies for the period 2018–2020 2018 (Moscow: Central Bank Russian Federation) 3–14;
17. (17. Francis B., Hasan I., Küllü A. M., Mingming Z. Should banks diversify or focus? Know thyself: The role of abilities. Econ. Syst. 2018, 42, 106–118. – URL: <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S093936251830027X?via%3Dihub>)
18. (25. Matt C., Hess T., Benlian A. Digital Transformation Strategies. Bus. Inf. Syst. Eng. 2015, 57, 339–343. URL: <https://link.springer.com/article/10.1007/s12599-015-0401-5>.);
19. Васильева, Т.А. Концепция банк. 3.0: Глобальные тенденции и последствия // Open Journal Systems. [Электронный ресурс]. - URL: <http://fkd.org.ua/article/view/107714/105099> (дата обращения: 17.03.2018). 10;
20. 12. Ковалев М., Головенчик Г. (2018). Цифровая трансформация банков // Банковский вестник. №11 (664), 50-60 с.;
21. Масленников В.В., Новые технологии меняют наш мир // Вестник финансового университета. 2017. № 3(99). 6 - 11 с.;
22. Авдеева И.Л. Возможности цифровой экономики для развития банковского бизнеса в России журнал «Вестник общественных наук», 2017 – с. 1-13.